


# **"Очиқ Бюджет" портали бўйича очиқ семинар бўлиб ўтди.**



**"Очиқ Бюджет" портали бўйича очиқ семинар бўлиб ўтди.**



Музработ туманида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши котибияти мудир Сайдулла Бердишукурович Абдураимов, вилоят Молия бошқармаси бўлим бошлиғи Чориев Улуғбек Шавкатович ҳамда тумандаги мутассадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида “Очиқ Бюджет” порталининг мазмун-моҳияти тўғрисида семинар бўлиб ўтди. Мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон Қарори ва “Очиқ Бюджет” порталининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳоли томонидан билдириладиган таклифлар ва тавсиялар тўғрисида маълумотлар берилди.

Бугунги кунда, Музработ туманида Жамоатчилик фикри асосида қурилиш ишларини амалга ошириш "Опен бюджет" тизими орқали қилинган ишлар

1. Туман Халқ таълими бўлимига қарашли 4-сонли умумий ўрта таълим мактабини тўсиқ девор билан ўраш учун **350,0 миллион сўм** пул маблағлари ажратилди.
2. Туман Халқ таълими бўлимига қарашли 15-сонли умумий ўрта таълим мактабидаги спорт зални таъмирлаш учун **800,0 миллион сўм** пул маблағлари ажратилди.
3. Туманнинг Орият маҳалласи ҳудудидаги 820 метр ички ё'лларга асфалт ётқизиш учун **200,0 миллион сўм** пул маблағлари ажратилди.

**"Опен бюджет" тизими орқали жами 1350,0 миллион сўм пул маблағлари ажратилди.**



